

ADOLAT

Ўзбекистон «Адолат» сotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 40 (1000) • 2014-yil, 3-oktabr, juma



Самарқандда Жаҳон сайёҳлик форуми

Самарқанд шаҳридаги “Форумлар мажмуаси”да 2 октябрь куни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси очилди

Ушбу халқаро анжуманда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Миср, Туркия, Индонезия каби туризм ривожланган ўнлаб мамлакатлар мутахассислари, халқаро сайёҳлик ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сессиянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

3 >



SAYLOV JARAYONLARI



www.adolat.uz



Келажакка интилувчи партия сифатида

Бўлажак сайловларда муносиб иштирок этамиз

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги Пленумида партия Сиёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пленумда жорий йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик масаласи муҳокама этилди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров олиб борган пленумда эътироф этилганидек, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мамлакатимизда демократик янгиланишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Жамиятимизнинг энг асосий йўналишларини ислохот этишга қаратилган устувор вазифалар, илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг аксарияти бугунги кунга келиб амалиётда ўз ифодасини топмоқда. Энг муҳими, ушбу кон-

цепция асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирок этишига замин яратмоқда. Сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайлов эркинлиги принципини тўла рўйбга чиқариш, сайловолди тарғиботини ўтказиш давомида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг шароит яратиш, сайловлар очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш

ҳамда вакиллик органларига муносиб номзодларнинг сайланишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, қонунда белгиланган тартиб ва меъёрлар демократик тамойиллар ва сайлов жараёнида муносиб депутатликка номзодларни сайлашда қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

— Мустақиллик йиллари маъмурий-буйруқбозлик тизимидан демократик ҳуқуқий давлатга ўтиш сари дадил қадамлар қўйилган давр бўлди, — дейди партия раҳбари Н.Умаров.

5 >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам жаноб Талеб Рифаи!
Ҳурматли форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам меҳмонларимизни — Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар, сайёҳлик ташкилотлари бошлиқларини, олимлар ва мутахассислар, жаҳон туризм sanoати вакиллари кутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдириш, Ижроия кенгашининг 99-сессиясига самарали ва муваффақиятли иш олиб боришни тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

2 >

Ўзбекистон ва ЮНВТО ҳамкорлиги ривожланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 октябрь куни Самарқанд шаҳридаги «Форумлар мажмуаси»да БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Ижроия кенгашининг 99-сессиясида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган мазкур ташкилот Бош котиби Талеб Рифаини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон ушбу ташрифга ЮНВТО мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканининг тасдиғи, деб қарашини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистонда туризмнинг халқаро, экологик, табиий-маданий, тиббий ва бошқа замонавий турларини, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва реставрация қилиш, кадрлар тайёр-

лаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, Буюк ипак йўли брендини биргаликда тарғиб этиш борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. 2004 йилдан буён Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда.

4 >

Эзгулик масканига ташриф

Истиқлол йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Имон-этиқод, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби фазилатлар халқимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини теран ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида бекиёс ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Абдухлоқ Фихрувоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом мажмуалари синга-

ри табаррук масканларда олиб борилган катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида бундай обидалар диёримизнинг гўзал, файзли масканларига айланди.

Ана шундай савобли ва улуғвор ишларнинг узвий қисми сифатида диний маърифат асосларини, дунёвий илмларни чуқур ўрганиш мақсадида Тошкент Ислам университети ташкил қилинди ва талабаларнинг замонавий таҳсил олишлари учун барча шарт-шароит яратилди.

4 >

Беқободлик металлург «адолатчилар»

ҳар жабҳада ўрناق

➤ БПТ — партия таянчи



Бугун давр сиёсий партиялар олдида қўяётган муҳим вазифалар ижроси кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотларнинг фаоллигига боғлиқ. Бошланғич ташкилот партиянинг асосий таянчи бўлиб, сиёсий партияни унинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

5 >

ЯНГИ сайтда имкониятлар

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг янги дизайндаги www.adolat.uz расмий веб-сайти тақдими бўлиб ўтди.

5 >

Самарқандда Жаҳон сайёҳлик форуми

Давоми. Бошқ. 1-бетида

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош қотиби Талеб Рифаи ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини Самарқандда ўтказишга қаратган алоҳида эътибори учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

Туризм — иқтисодийнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири. Мазкур соҳа дунё мамлакатлари ва халқларининг маданий борасидида амалий мулоқотида ўзига хос робита вазифини ўтамоқда. Айни пайтда дунёда 235 миллиондан ортиқ киши ушбу соҳада меҳнат қилаётди. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда сайёҳлар оқими ҳар йили 4-5 фоизга кўпаймоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон замонавий сайёҳлик инфратузилмаси ривожланган давлатлар қаторида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Мамлакатимизга келувчи сайёҳлар оқими мунтазам ошиб бормоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз олий да-

миндан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган. Юртимизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, отда, туйда, автотомобилда саёҳат қилиш, альпинизм, балиқ ови, рафтинг каби кўплаб турлари ривожланмоқда.

Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, халқаро ва маҳаллий аэропортлар, транспорт коммуникациялари барпо этилаётгани самарасида юртимизга келаётган сайёҳлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётди. 2011-2013 йилларда мамлакатимизга келган хорижий туристлар сони 129,5 фоизга ошди. Сайёҳлик хизматлари ҳақиқи 175,8 фоиз, шундай хизматлар экспорти 180,2 фоиз ўсди. Мингдан ортиқ сайёҳлик ташкилотлари, жумладан, 550 туроператор ва агентлик, 500 дан зиёд меҳмонхона уларга жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида хори-

тезорар поезди пойтахтимиздан Самарқандга бориб-келувчилар учун жуда маъқул бўлмоқда.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси халқаро авиаташувлар бозорига муносиб ўрин эгаллади. Бугун Ўзбекистонда ўн битта халқаро аэропорт фаолият кўрсатмоқда. Ҳаво кемалари парки ва аэропортлар модернизация қилингани, парвозлар географияси кенгайгани туризм соҳасини янада ривожлантиришга, сайёҳларни юртимизга жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги қарори туризм ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларида фаол тақдир этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир

пул менежментни ривожлантириш институти, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида туризм коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиши, халқаро туризм, меҳмонхона бошқаруви ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос анъаналари, тарихий обидалари, табиий иқлим шароити билан ажралиб туради. Аҳоли даромадлари ошиб бораётгани ва сайёҳлик инфратузилмаси такомиллашган самарасида мамлакатимизда ички туризм ҳам тобора ривожланмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Масалан, тарихий обидалар камроқ бўлган жойларда экотуризм, геотуризм, off-road саёҳатлари, тоғли зоналарда экстремал туристик хизматлар ташкил этилмоқда. Сайёҳликни ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларга мувофиқ маданий мерос объектларини реставрация қилиш, туристик объектларни қириш ва таъмирлаш, янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. Самарқандда мазкур ташкилотнинг Буюк ипак йўлида сайёҳликни ривожлантириш бўйича минтақавий маркази фаолият юритмоқда. ЮНВТОнинг 2011 йил октябр ойида Жанубий Кореяда ўтган Бош ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси иккинчи марта ушбу ташкилот Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди. Бу мақомга дунёнинг жуда кам давлатлари сазовор бўлган.

2014 йилнинг июнь ойида Испаниянинг Сантьяго-де-Компостела шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясида Ижроия кенгашининг навбатдаги 99-сессиясини Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

“Ер ўзининг сайқали” ва “Шарқ гаҳари” деб аталадиган қадимий ва ҳамisha навқилрон Самарқанд азалдан ўз кўрку салобати билан барчани мафтун этиб келади. Шаҳарнинг қадимий ва замонавий иншоотлари, гўзал ва сўлим табии сайёҳликни ри-



вожлантириш учун улкан имкониятлар яратмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Самарқанд тулпарининг ҳар бир заррасида улғур бир ҳикмат бор, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонда салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамisha навқилрон шаҳарнинг ҳар бир гишатида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мужассам.

Истиқлол йилларида Самарқанд ўзгача тароват ва маҳорат касб этди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар марказида Соҳибқирон бобоимизнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Мирзо Улуғбек расадхонаси ва мадрасаси қайта таъмирланди. Президентимиз фармони мувофиқ 1996 йил 18 октябр кунини Самарқанд шаҳри “Амир Темур” ордени билан мукофотланди. Шундан буён бу кун юртимизда Самарқанд шаҳри кунини сифатида нишонлаб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанднинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасида беқиёс ишлар амалга оширилди. 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу қутлуг тўй арафасида боқий шаҳар янада гўзаллашди. Барпо этилган ўнлаб ижтимоий-маиший иншоотлар — таълим муассасалари ва спорт майдончалари, тиббиёт

масканлари ва меҳмонхоналар, магистрал йўллар, кўркам боғу хиёбонлар Самарқанд аҳолиси ва меҳмонларига ҳар томонлама муносиб шароит яратиш баробарида, қадим шаҳар кўрғига кўрк қўшмоқда. Амир Темур, Рухобод мақбаралари, Регистон майдони, Ҳазрати Хизр ва Бибиноним масжидлари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Мирзо Улуғбек расадхонаси қайта таъмирланди. Уларни бир-бирига боғловчи кичик халқа йўлининг қурилиши шаҳар аҳли ва сайёҳлар учун яна бир қўлайлик яратди.

Самарқанднинг сайёҳлик имкониятлари шаҳар иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда бу ерда юздан зиёд сайёҳлик фирмаси ва юзга яқин меҳмонхона фаолият кўрсатаётди.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш учун яна бир қўлай имконият бўлиб, хорижий сайёҳлик ташкилотлари ва компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Сессия дунёнинг етакчи экспертлари жаҳон сайёҳлик бозорининг бугунги ҳолати ва истиқболлари хусусида тажриба алмашиш, бу борадаги янги тенденциялар, долзарб сайёҳлик муаммоларини муҳокама қилиш имконини бераётди.

Халқаро анжуман 3 октябр кунини ўз ишнини давом эттиради.

Амир Темур ва Ҳўжа Дониёр макбаралари, Мирзо Улуғбек расадхонаси, “Афросиёб” музейи каби диққатга сазовор жойлар ва замонавий таълим муассасалари фаолияти билан танишди. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Самарқанд шаҳрида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига, шаҳарнинг улкан сайёҳлик салоҳиятига, соҳада кадрлар тайёрлашга қаратилаётган алоҳида эътиборга юксак баҳо берди.

Сессиянинг ялпи мажлисида Буюк ипак йўли — халқаро сайёҳликни ривожлантиришнинг янги истиқболлари, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, минтақавий ривожланиш ва интеграцияни рағбатлантиришда сайёҳлик маршрутларининг роли, халқаро туризмнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгрок жалб қилиш бўйича чет эллик мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашилмоқда, бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилмоқда.

Халқаро анжуман 3 октябр кунини ўз ишнини давом эттиради.

Ирода УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус муҳбирлари
Сарвар ЎРМОНОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ
ЎЗА олинган суратлар



ражадаги учрашувлар, халқаро конференциялар, нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилаётди. Мамлакатимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чикариши учун қўлай имконият яратмоқда.

Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ва-танимиз тарихий қадимжолари кўпчилиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда етти

жи меҳмонлар ва делегацияларни қабул қилиш ҳамда уларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш имкониятига эга ўнлаб меҳмонхоналар қад ростлади. Дунё миқёсида тан олинган “Radisson”, “Lotte”, “Dedeman”, “Grand Plaza” каби брендлар остида хизмат кўрсатувчи отеллар билан бирга, кичик гуруҳларда ва оилавий саёҳат қилувчилар учун хусусий меҳмонхоналар тармоғи барпо этилди.

Изчил ривожланаётган ҳаво ва темир йўл транспорти саёҳатларни тез, қўлай ва хавфсиз ташкил этиш имконини бермоқда. 2011 йилдан қатнови йўлга қўйилган “Афросиёб”

йўллари” давлат акциядорлик компанияси ва бошқа ташкилотлар “Ўзбекистон” миллий стениди доирасида дунёнинг кўплаб ойриқ шаҳарларида ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келаётди. Бу мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотларига хорижий ҳамкорлар билан янги алоқалар ўрнатиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб бориш имконини бераётди.

Сайёҳликни ривожлантириш ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ. Тошкент давлат иқтисодий университетини, Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, пойтахтимиздаги Синга-

пайдо бўлган, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Туризмни ривожлантириш катта масъулият талаб этади. Ўзининг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаб келаётган Ўзбекистонда умумбашарий бойлик ҳисобланган ноёб тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш ва қайта тиклашга катта миқдорда маблағ йўналтирилаётгани қувонарли ҳолдир.

Айни пайтда Буюк ипак йўли машҳур брендга айланди ва бепоён Осие минтақаси, жумладан, Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Буюк ипак йўлини қайта тиклашнинг асосий ташаббускорларидан биридир. Йигирма йил аввал айнан шу шаҳарда дунёнинг 19 давлати вакиллари ушбу тарихий йўлда сайёҳликни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилган эди.

Буюк ипак йўлини дунёдаги етакчи сайёҳлик йўналишларидан бирига айналтириш мақсадида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа бугун 31 мамлакатни бирлаштирганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Ижроия кенгашининг аввалги сессиясида 2013 йилда жаҳонда туризмни ривожлантириш борасида юқори кўрсаткичларга эришилгани кайд этилган эди. Бу халқаро ташкиллар ва экспорт тушумлари ҳажмининг 5 фоизини ташкил этди.

Бу бизнинг умумий ишончимизни янада мустаҳкамлайди. ЮНВТО жа-

БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ТАЛЕБ РИФАИНИНГ ЮНВТО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийлари!

Хонимлар ва жаноблар! Барчангизни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси мажлисида қатнашаётганингиз билан қутлаш менга катта шараф бағишлайди.

Президент Жаноби Олийлари, сессиянинг ишида иштирок этганингиз учун Сизга самимий ташаккур изҳор этман. Бу Сизнинг Ўзбекистон тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири бўлган туризм соҳасини шахсан кўллаб-қувватлаётганингиздан далolat беради.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо барча давлатлар ва унинг Ижроия кенгаши номидан форум юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирмоқчиман.

Самарқанд шаҳри ва аҳолисига ҳам самимий меҳмондўстлик ва бугунги тадбирни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўрсатқан ёрдами учун чин кўнгилдан ташаккур айтаман. Салкам 3 минг йиллик тарихга эга ва дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлган қадимий ва улғувор Самарқанд шаҳрида йиғилганимиздан барчамиз гоят мамнунимиз.

Самарқанд — бу асрлар жилосини мужассам этган ва ўзининг бетакдор қиёфаси ва ноёблигини сақлаб келаётган замонавий шаҳардир.

Бу бугун биз ҳам бўлиб турган, шарқона шаҳарсозликнинг кўп асрлик анъаналари ва замонавий ар-

хитектура намуналарини уйғунлаштирган ушбу маҳабатли мажмуада ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу афсонавий шаҳарга мафтун бўлган шоир дунёда гар жаннат бўлса, у шубҳасиз Самарқанддир, деб таърифлаган.

Ўзбекистоннинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани бу ерда туризм соҳасини кенг ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон туризм соҳасида сезиларли ютуқларга эришди, бунинг самарасида 2013 йилда ушбу саховатли заминга 2 миллиондан зиёд сайёҳ келди. Бу 2010 йилги кўрсаткичдан икки баробар кўпдир.

Бу бежиз эмас. Ўзбекистон ҳудудида 7 мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган. Шарқ дурдоналари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент, Қўқон, Термиз шаҳарлари ва кўплаб обидалар шулар жумласидандир.

Шу йилнинг май ойида Самарқандда Урта асрларда Шарқда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирлар илмий меросининг замонавий цивилизацияга таъсири масаласига бағишланган ва жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини тортган нуфузли халқаро анжуман бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Кеча Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейга ташриф буюриб, у ерда Ўзбекистон ёшлари илғор таълим технологиялари асосида билим олаётганига гувоҳ бўлдим. Улар келажакда ўз мамлакатини, унинг равнақини, бой тарихини ва маданий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитишга хизмат қилади. Инглиз, немис, француз, араб, италиян ва бошқа тилларда эркин сўзлаша оладиган бу ёшлар Ўзбекистоннинг келажакдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаган туризм инфратузилмасини такомиллаштириш муҳимлиги ҳақидаги фикрга мен тўла қўшиламан. Замонавий аэропортлар ва темир йўл коммуникациялари, меҳмонхона ва ресторонолар тармоғини янада ривожлантириш, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг сайёҳлик жозибадорлигини оширади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Бугунги мажлис иштирокчиларининг аксарияти Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланадиган электр поезидан фойдаланди. Бу поезид туризмни ривожлантиришга ҳам ёрдам бериши муқаррар.

Европа тарихида муҳим ўрин тутган Ренессанс, яъни, Уйғониш даври аслида мана шу заминда анча илгари бошланганини таъкидламоқчиман ва замонавий маданият ҳамда цивилизация айнан шу минтақда

пайдо бўлган, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Туризмни ривожлантириш катта масъулият талаб этади. Ўзининг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаб келаётган Ўзбекистонда умумбашарий бойлик ҳисобланган ноёб тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш ва қайта тиклашга катта миқдорда маблағ йўналтирилаётгани қувонарли ҳолдир.

Айни пайтда Буюк ипак йўли машҳур брендга айланди ва бепоён Осие минтақаси, жумладан, Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Буюк ипак йўлини қайта тиклашнинг асосий ташаббускорларидан биридир. Йигирма йил аввал айнан шу шаҳарда дунёнинг 19 давлати вакиллари ушбу тарихий йўлда сайёҳликни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилган эди.

Буюк ипак йўлини дунёдаги етакчи сайёҳлик йўналишларидан бирига айналтириш мақсадида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа бугун 31 мамлакатни бирлаштирганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Ижроия кенгашининг аввалги сессиясида 2013 йилда жаҳонда туризмни ривожлантириш борасида юқори кўрсаткичларга эришилгани кайд этилган эди. Бу халқаро ташкиллар ва экспорт тушумлари ҳажмининг 5 фоизини ташкил этди.

Бу бизнинг умумий ишончимизни янада мустаҳкамлайди. ЮНВТО жа-

ҳон сайёҳлик барометри”нинг сўнгги маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида халқаро саёҳатлар 4,6 фоизга ўсган.

Бу борада эришилган ютуқлар шундан далolat берадики, туризм сўнгги йилларда ижобий ўсиш суръатларини мустаҳкамлаб, бутун дунё иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Геосийёсий ва иқтисодий таҳдидларга қарамадан, 2010 йилдан буён халқаро саёҳатлар сони йилга ўртача 5 фоизга ошмоқда. Бу тенденция иқтисодий ривожланишга, шунингдек, экспорт ҳажми ва иш ўринларининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Туризм бугунги кунда муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бирига айланди. Иқтисодийнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этмоқда, ҳар йили бутун дунёда бир миллиарддан зиёд киши саёҳат қилмоқда.

Жаҳон ялпи маҳсулотига туризмнинг улуши 9 фоизни ташкил этмоқда, янги ташкил этилаётган ҳар 11 иш ўрнининг биттаси ушбу соҳага тўғри келмоқда.

Миллионлаб меҳмонхона ва дўкон эгалари, ошпазлар, хунарманд ва экскурсоводлар туризмни жадал ривожлантириш, унинг янада оммилаштиришга ёрдам бермоқда.

Шу ўринда туризм ривожини мамлакатлар ва халқларнинг маданий қадриятларига зарар етказмаслиги лозимлигини таъкидлаш даркор. Кўп

тармоқли туризм саноатини ривожлантириш масъулиятини ўз зиммасига олишимиз шарт.

Хурматли форум қатнашчилари! Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига туризмни иқтисодий тараққиёт ва фаровонликни, ҳамжихатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим восита сифатида ривожлантиришни кўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсизлар.

Биз Ўзбекистонда амалга оширилган буюк ўзгартишлар гувоҳи бўлдик. Туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётган Президент Ислам Каримовнинг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсати туфайли Ўзбекистон туризмни ривожлантиришнинг асосий марказларидан бири бўлишига ишонамиз.

Шу заминда тугилиб воғна етган буюк инсонлар башарият цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Алгебра асосчиси Хоразмий, файласуф Форобий ёки улғу қомусий олим Абу Райҳон Беруний, тиббиёт илмига асос солган Абу Али ибн Сино каби буюк аллома ва мутафаккирларни бутун дунё яхши биледи.

Форум самаралари ўтишига қатъий ишонаман. ЮНВТО Ижроия кенгашининг гўзал ва бетакдор Самарқанд шаҳрида ўтаётган 99-сессияси ишга муваффақият тилайман.

Эзгулик масканига ташриф

Давоми. Боши 1-бетда

Шу ўринда айтиш керакки, Президентимиз гоёси ва амалий тақлифлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг, бутун дунёда машҳур бўлган масжид ва мадрасалар қуришнинг азалий анъана ва услубларидан ижодий фойдаланган ҳолда, ҳар жиҳатдан бетакрор, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган эди.

Давлатимиз раҳбари муҳташам мажмуани ва унинг атрофида олиб борилган кенг қўламли ободонаштириш ва кўламазорлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Муқаддас динимизга мувофиқ масжидда Қуръони каримдан тиловат қилинди.

Ислом Каримов масжиднинг ички ва ташқи кўриниши, баҳаво айвонлари, миллий ўймакорлик услубида ишланган устунлар, бино қуббасидаги ол-

тин суви билан зийнатланган нақшларни кўздан кечириб, кўли гул усталарнинг меҳнатига муносиб баҳо берди.

Айни вақтда нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизда ягона, бетакрор бўлган ушбу дину диёнат маскани ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши, бу ерга тоат-ибодат ниятида келадиган мўмин-мусулмонлар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш бўйича қурувчи ва мутахассисларга зарур топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Халқимизнинг пок қалбини, олижаноб орзу-интилишларини, эзгу ниятларини ўзида муҳассам этган ушбу муаззам меъморий мажмуа маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нуруни зиёда этишга хизмат қилиши муқаррар.

ЎЗА

Муносабат

Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Юртбошимизнинг таълим соҳаси ходимларига йўллаган табриги ва унда соҳа ходимларига билдирилган ишонч бизни яна бор ғурурлантириб, кўксимизни тоғдек кўтариб юборди. Жаҳон аҳлининг ҳавасини тартаётган кенг имтиёз ва имкониятлар, ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор юртимиз келажаги бўлган ёш авлод тарбияси учун масъулиятни астойдил ҳис этишга, билдирилган юксак ишонччи оқлашга, унга муносиб бўлишга даъват этади. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг Фармони билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнқ кўрсатган ходимлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши, улар орасида қорақалпоғистонлик педагогларнинг борлиги, кўрсатилаётган эъзоз, бундай эътибор ва иззат ўқитувчи ва мураббийларни янада илҳомлантириб, уларнинг самарали меҳнат қилишига ўзининг ижобий таъсири кўрсатади.



Суратда: Нукус шаҳридаги 25-умумтаълим мактаби ўқувчилари Қумархон Бозорбоева ва Жондорбек Жамолов. М.ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Изланиш, талабчанлик ва масъулият ютуқлар гарови бўлмоқда

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, шу мақсадда минглаб замонавий ўқув масканлари, болалар спорт иншоотлари барпо этилгани, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган самарали тизим ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этилгани ва бошқа кўпгина чора-тадбирлар бугун ўз ижобий натижасини бермоқда. Хусусан, биргина сўнгги беш йилда ойлик иш ҳақи халқ таълими муассасаларида 2,9 баробар, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида қариб 4 марта, олий таълим соҳасида 3,6 карна оширилгани, минглаб устоз ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани ҳам ана шундан далolat беради.

Мамлакатимизда 9+3 тамойили асосида 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимининг жорий қилингани, мактаб таълими етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилаётгани, Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилиб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришнинг ноёб тизимига асос солингани халқро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Бугунги кунда БМТ маълумотларига қараганда, мамлакатимизда таълимга йўналтирилган харажатлар Давлат бюджетининг 35 фоиздан ортигини ташкил этаётганда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Давлат бюджетидан ҳар йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар халқро миқёсда эътироф этилиши бежиз эмас. Чунки соҳани ривожлантиришга оид ҳужжатларда мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улкусиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ вазифаларни бажариш асосий мақсад этиб белгиланган. Жумладан, мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш, ўқитиш сифатини тақомиллаштириш, замонавий талабларга жавоб берувчи ўқув-моддий база ва таълим стандартларини яратиш, кишлоқ ҳамда шаҳар мактаблари моддий базаси ва жиҳозланишидаги тафовутларни босқичма-босқич бар тараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар юртдошларимиз дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборгани, келажакка бўлган ишончнинг янада мустаҳкамлагани билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўқитувчилик — шарафли касб. Бугун мамлакатимизда ўқитувчилик касбини эъзозлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, муносиб меҳнат шaroитини яратиш юзасидан ҳам улкан эътибор ва ғам-хўрлик кўрсатилмоқда. Шу маънода, ҳар бир педагог нафақат юксак билим ва маҳоратга эга бўлмоғи, балки болаларни чин дилдан севиши, ўзидаги билимларни уларга сингдира олиши даркор. Бу эса умумтаълим



Р.МАТҚУРБАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири

мактабларини малакали ўқитувчи ҳамда мураббийлар билан таъминлаш, уларни қайта тайинлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, меҳнатини рағбатлантириши янада қучайтириши талаб этади.

Шу ўринда Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини алоҳида эътироф этиш керак. Шубҳасиз, ушбу ҳужжат мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илгор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлоднинг чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш, соҳада халқро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун қулай шарт-шaroит ҳамда имкониятлар яратмоқда. Хусусан, мазкур қарор асосида 1-синфдан бошлаб ўқувчиларга ҳафтаига икки соатдан чет тили фаги ўқитилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ўқув-методик маркази томонидан таълим беришнинг сифати ва самардорлигини қучайтириш мақсадида, ҳар бир умумтаълим мактабларида фан-метод бirlашмаларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи методик кенгашлар фаолияти қайта ташкиллантирилиб, йўлга қўйилди.

«Чеварлик мактаблари», «Ўрган, ўрган» тавсиялари асосида ўзаро тажриба алмаштирилган йўлга қўйилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишлари бўйича қисқа мuddатли малака ошириш курслари ташкил этилди.

Амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар ўз сарасини бериб, педагог-ҳодимларимиз билан мактабларимиз турли танловларда голибликни кўлга киритиб келмоқда. Жумладан, 2014 йилнинг 15 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги 178-сонли умумтаълим мактабида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши мактаб директори-2014» кўрик-танловининг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги 21-мактаб директори Нурлибек Қдирниязов голибликни кўлга киритди.

Масофадан ўқитиш бўйича методик хизмат йўналишида Ўзбекистон Республикаси томонидан яратилган Ziyonet ва бошқа порталлардан, Халқ таълими вазирлигининг uzedu.uz веб-сайти асосида вазирлигимизнинг kkedu.uz веб-сайти яратилди ва айни кунда ўқитувчиларимиз ушбу сайтлардан фойдаланишмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасидаги жами 310 та мактабгача таълим муассасаларида 32796 нафар келажагимиз волислари таълим-тарбия олишмоқда, уларга 3110 педагог-тарбиячилар хизмат кўрсатиб келмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2014 йил апрель ойида республикадаги барча мактабгача таълим муассасаларининг 386 та катта гуруҳлари 5 та номдаги жами 116 миллион 417 минг 986 сўмлик ўйинчоқлар билан бепул таъминланди. Шунингдек, 9 та туманда намунали мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш режалаштирилиб, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва замонавий ускуналар билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди.

Дастурда белгиланганидек, мактабгача таълим муассасаларида болаларни жалб қилиши қучайтириш, уларни мактабгача тайёрлаш мақсадида қисқа мuddатли гуруҳлар ташкил этиш, яъни 2014-2015-ўқув йилидан барча туман ва шаҳарлардан 85 та қисқа мuddатли гуруҳлар очиб режалаштирилган.

Республикаимизда ЮНИСЕФ халқро ташкилоти билан ҳамкорликда «Болага йўналтирилган таълим бериш» лойиҳасига 7 та шаҳар ва тумандан, жумладан, Нукус шаҳри, Хўжайли, Эликкалла, Беруний, Тўртқўл, Шуманой ва Нукус туманларимиз 15 та мактабгача таълим муассасалари киритилди. Лой-

Ўзбекистон ва ЮНВТО ҳамкорлиги ривожланмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

ЮНВТО сайёҳлик соҳасида жаҳондаги етакчи институт сифатида маданият соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ва халқларнинг маънавиятини бойитишга фаол қўмаклашиб келмоқда. ЮНВТОга 150 дан зиёд давлат аъзо. Ташкилот кўплаб мамлакатларда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни молилаштириши ва амалга оширади.

Бугунги кунда ялли жаҳон махсулотининг 9 фоизи, дунё бўйича хизматлар экспортининг 29 фоизи туризм ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу соҳада 235 миллиондан ортиқ киши иш билан банд. Жаҳонда сайёҳлик хизматларидан тушган даромад ҳажми 1,4 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳозирги пайтда ЮНВТО дунёнинг асосий минтақалари бўйича 5 лойиҳани, жумладан, «Буюк ипак йўли» трансконтинентал лойиҳасини амалга оширмоқда.

1994 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган Тошкент халқро сайёҳлик ярмаркаси мазкур кенг қўламли лойиҳанинг муҳим йўналишларидан биридир. Ўтган давр мобайнида ушбу ярмарка Марказий Осиёнинг туризм соҳасидаги йирик форумига айланди.

Бу йил йигирманчи марта ўтказиладиган Тошкент халқро сайёҳлик ярмаркаси дастуридан қатор муҳим тадбирлар ўрин олган. Ярмарка арафасида Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўта-

ётганини алоҳида таъкидлаш керак. Ўттиздан ортиқ мамлакат делегациялари иштирок этаётган мазкур мажлисда халқро туризмни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинмоқда. Сессия Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳлик бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган.

ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистоннинг халқро миқёсдаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётганининг яққол тасдиғи ва мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Бу форум хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жаҳоннинг етакчи экспертларига халқро туризм бозорининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр ва тажриба алмашиб, соҳадаги янги тенденциялар ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини яратади.

Талеб Рифаи самимий қабул ва сессиянинг юксак даражада ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентига чукр миннатдорлик билдириб, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бундан кейин ҳам мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН МАҲОБАТЛИ ОБИДАЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ КЎРКУ ТАРОВАТИ БИЛАН ҲАР ҚАНДАЙ САЙЁҲНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ

Сўз —

халқро форум иштирокчиларига

Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтмоқда.

ЎЗА мухбирлари анжуман иштирокчиларининг айримлари билан сўхбатлашди.

Ким Ки ХОНГ, Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлигининг сайёҳлик бюроси бош директори:

— Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тобора юксалиб, имкониятлари кенгайиб бормоқда. Сессиянинг очилишида Президент Ислом Каримов иштирок этгани ва нутқ сўзлагани анжуман нуфузини оширди. Ўзбекистон ўз жозибаси ва гўзаллиги билан жаҳон сайёҳларини ҳайратлантириб келаётган мамлакатлардан биридир.

Президент Ислом Каримов маърузасини катта қизиқиш билан тинглади. Давлатингиз раҳбарининг Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида кўрсатаётган ғамхўрлиги таҳсинга лойиқ. Буюк ипак йўли марказида жой-

лашган Ўзбекистонга, хусусан, Самарқандга келаётган сайёҳлар сони мунтазам қўлайиб боришига ишонаман.

Самарқандга ташрифимиз давомида «Афросиёб» музейида бўлдик. У ердаги деворий суратлардан бирида Афросиёб ҳукмдорининг турли мамлакатлар элчилиларини қабул қилиш маросими акс этган экан. Улар орасида Чосон (Корея) элчисининг ҳам борлиги халқларимиз ўртасидаги муносабатлар илдизи қадимийлигидан далolat беради. Бугунги кунда ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар юксак даражада ривожланиб бораётгани бизни жуда қувонтиради.

Даниэла Гарза Риос ЭЙЧЕННЕ, Мексика сайёҳлик вазирлигининг департамент директори:

— Президент Ислом Каримов маърузасида таъкидланганидек, туризм ривожланган мамлакатда бағрикенглик ҳам муҳассам бўлади. Сайёҳлик қалбимизга бағрикенглик ва эзгулик туйғуларини сингдиради. Мамлакатингизда барча соҳалар қатори сайёҳликни ҳам тараққий эттиришга қаратилаётган улкан эътиборга ҳавасимиз келди.

Ўзбекистоннинг халқро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингиз улкан сайёҳ-

лик салоҳиятига эга. Шу боис дунёнинг кўплаб одамлари бу ерга саёҳат қилишга интиломоқда. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Ўзбек заминидан етишиб чиққан олим Фузалоларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини дунё ахли эътироф этади. Айниқса, Амир Темур ва теуририйлар даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари барча замоналар учун ибратлидир. Юртингиздаги маҳобатли иншоотлар халқингиз ақл-заковатининг махсули сифатида дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай буюк мерос волисларининг ўз аждодларига кўрсатаётган эҳтироми ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бугунги кунда сайёҳлик замонавий иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Мамлакатингизда ўтказилаётган халқро сайёҳлик кўрғазма ва ярмаркаларида фаол иштирок этиб, бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантирмоқчимиз.

Ҳамад Абдулазиз АЛШАЙХ, Саудия Арабистони сайёҳлик ва қадимийлик комиссияси вице-президенти:

— Ўзбекистонга келиб мамлакатингиз ҳақидаги тасаввуримиз янада бойиди. Бу диёрда ҳар соҳада юк-

лик салоҳиятига эга. Шу боис дунёнинг кўплаб одамлари бу ерга саёҳат қилишга интиломоқда. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Ўзбек заминидан етишиб чиққан олим Фузалоларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини дунё ахли эътироф этади. Айниқса, Амир Темур ва теуририйлар даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари барча замоналар учун ибратлидир. Юртингиздаги маҳобатли иншоотлар халқингиз ақл-заковатининг махсули сифатида дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай буюк мерос волисларининг ўз аждодларига кўрсатаётган эҳтироми ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бугунги кунда сайёҳлик замонавий иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Мамлакатингизда ўтказилаётган халқро сайёҳлик кўрғазма ва ярмаркаларида фаол иштирок этиб, бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантирмоқчимиз.

Ҳамад Абдулазиз АЛШАЙХ, Саудия Арабистони сайёҳлик ва қадимийлик комиссияси вице-президенти:

— Ўзбекистонга келиб мамлакатингиз ҳақидаги тасаввуримиз янада бойиди. Бу диёрда ҳар соҳада юк-

лик салоҳиятига эга. Шу боис дунёнинг кўплаб одамлари бу ерга саёҳат қилишга интиломоқда. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Ўзбек заминидан етишиб чиққан олим Фузалоларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини дунё ахли эътироф этади. Айниқса, Амир Темур ва теуририйлар даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари барча замоналар учун ибратлидир. Юртингиздаги маҳобатли иншоотлар халқингиз ақл-заковатининг махсули сифатида дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай буюк мерос волисларининг ўз аждодларига кўрсатаётган эҳтироми ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бугунги кунда сайёҳлик замонавий иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Мамлакатингизда ўтказилаётган халқро сайёҳлик кўрғазма ва ярмаркаларида фаол иштирок этиб, бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантирмоқчимиз.

Ҳамад Абдулазиз АЛШАЙХ, Саудия Арабистони сайёҳлик ва қадимийлик комиссияси вице-президенти:

— Ўзбекистонга келиб мамлакатингиз ҳақидаги тасаввуримиз янада бойиди. Бу диёрда ҳар соҳада юк-

лик салоҳиятига эга. Шу боис дунёнинг кўплаб одамлари бу ерга саёҳат қилишга интиломоқда. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Ўзбек заминидан етишиб чиққан олим Фузалоларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини дунё ахли эътироф этади. Айниқса, Амир Темур ва теуририйлар даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари барча замоналар учун ибратлидир. Юртингиздаги маҳобатли иншоотлар халқингиз ақл-заковатининг махсули сифатида дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай буюк мерос волисларининг ўз аждодларига кўрсатаётган эҳтироми ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бугунги кунда сайёҳлик замонавий иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Мамлакатингизда ўтказилаётган халқро сайёҳлик кўрғазма ва ярмаркаларида фаол иштирок этиб, бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантирмоқчимиз.

Ҳамад Абдулазиз АЛШАЙХ, Саудия Арабистони сайёҳлик ва қадимийлик комиссияси вице-президенти:

— Ўзбекистонга келиб мамлакатингиз ҳақидаги тасаввуримиз янада бойиди. Бу диёрда ҳар соҳада юк-

лик салоҳиятига эга. Шу боис дунёнинг кўплаб одамлари бу ерга саёҳат қилишга интиломоқда. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Ўзбек заминидан етишиб чиққан олим Фузалоларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини дунё ахли эътироф этади. Айниқса, Амир Темур ва теуририйлар даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари барча замоналар учун ибратлидир. Юртингиздаги маҳобатли иншоотлар халқингиз ақл-заковатининг махсули сифатида дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай буюк мерос волисларининг ўз аждодларига кўрсатаётган эҳтироми ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бугунги кунда сайёҳлик замонавий иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Мамлакатингизда ўтказилаётган халқро сайёҳлик кўрғазма ва ярмаркаларида фаол иштирок этиб, бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантирмоқчимиз.

Ҳамад Абдулазиз АЛШАЙХ, Саудия Арабистони сайёҳлик ва қадимийлик комиссияси вице-президенти:

— Ўзбекистонга келиб мамлакатингиз ҳақидаги тасаввуримиз янада бойиди. Бу диёрда ҳар соҳада юк-

лик салоҳиятига эга. Шу боис дунёнинг кўплаб одамлари бу ерга саёҳат қилишга интиломоқда. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Ўзбек заминидан етишиб чиққан олим Фузалоларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини дунё ахли эътироф этади. Айниқса, Амир Темур ва теуририйлар даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари барча замоналар учун ибратлидир. Юртингиздаги маҳобатли иншоотлар халқингиз ақл-заковатининг махсули сифатида дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай буюк мерос волисларининг ўз аждодларига кўрсатаётган эҳтироми ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бугунги кунда сайёҳлик замонавий иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Мамлакатингизда ўтказилаётган халқро сайёҳлик кўрғазма ва ярмаркаларида фаол иштирок этиб, бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантирмоқчимиз.

Ҳамад Абдулазиз АЛШАЙХ, Саудия Арабистони сайёҳлик ва қадимийлик комиссияси вице-президенти:

— Ўзбекистонга келиб мамлакатингиз ҳақидаги тасаввуримиз янада бойиди. Бу диёрда ҳар соҳада юк-

ЎЗА махсус мухбирлари **Ноҳира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА** ёзиб олди.

Келажакка интилувчи партия сифатида бўлажак сайловларда муносиб иштирок этамиз

Давоми. Боши 1-бетда

— Илгари сайловчи психологиясида адолатли ва демократик сайловларга ишонч йўқ эди. Биз бугун имзо тўплаш давомида кузатаётган фаоллик эса мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотлар муваффақиятини, электратнинг бўлажак сайловга қизиқиши тобора кучайиб бораётгани, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг мавқеи мустақамланаётганини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга одамларнинг онгу тафаккурида, ҳаётга муносабатида туб ўзгаришлар рўй бериб, уларнинг фуқаролик позицияси ва ҳуқуқий маданияти ўсгани демократик ўзгаришларнинг нафақат иштирокчиси, балки ҳаракатлангирувчи кучи сифатида сиёсий партияларга талабчанлиги кучайганлигини далолатлади.

Пленумда таъкидланганидек, сайлов тизими ва сайлов қонунчилигини демократлаштириш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар умум-эътироф этилган халқаро

ҳуқуқий меъёрлар ва илгор ҳорижий тажрибага мослиги билан аҳамиятлидир. Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, яъни унинг сайлов тизимига бағиш-



ланган махсус XXIII боби ташкил этади. Дунёнинг кўплай давлатлари конституцияларида бу каби боб мавжуд эмас.

Сайлов тизимига бундай ёндашув фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини кафо-

латлайди. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги қонун мамлакатимиз сайлов тизими конституци-

он асосларини янада такомиллаштириш ва мустақамлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, пленумда партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Собир Турсунов маъруза қилиб, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Уставидан келиб чиққан ҳолда партия Ижроия қўмитаси йиғилишида жорий йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш юзасидан қарор қабул қилинганлиги таъкидлади.

— Жорий йилги сайловлар партияимиз истиқболда ҳар қачонгидан ҳам муҳим ўрин тутади, — деди С.Турсунов. — Шунинг учун ҳам партияимизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, жамият, давлат ва электротат олдидаги масъулият-

ни ҳис этган ҳолда сайловда фаол иштирок этишимиз, айна чоғда фақат иштирок этибгина қолмай, партияимиз муваффақиятини ҳам таъминлашимиз зарур. Бунинг учун, энг аввало, биз учун катта тажриба мактабини ўтаган аввалги сайловларда йўл кўйилган хато-камчиликлардан тўғри ва ҳолисона хулоса чиқаришимиз, депутатликка муносиб номзодларни кўрсата олишимиз ҳамда сайлов кампанияси даврида ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

Пленумда шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар партия ташкилотларининг 2009 йилги сайловдан 2014 йилдаги сайловгача бўлган даврдаги фаолияти сарҳисобига бағишланган конференциялари ва Курултойини ўтказиш масаласи кўриб чиқилди. Бу ҳусусида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари



Абдуқамол Раҳмонов сўзга чиқди. Нотиқ ўз сўзида навбатдаги муҳим тадбирларда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишда партия ташкилотларининг иштироки ҳамда жорий йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларда фаол иштирок этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, пленумда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Уставига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, сайловлиқ Платформаси лойиҳаси муҳокама этилди.

Пленумда партиянинг сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илёт САХАТОВ, «Адолат» муҳбири

Янги сайтда имкониятлар

Давоми. Боши 1-бетда

— Мамлакатимиз сиёсий партиялари учун ўта муҳим ва масъулиятли синов даврлари бошланди. — деди тақдиротни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов. — Айни пайтда тобора кизгин паллага кираётган сайлов кампанияси даврида ҳар бир сиёсий партия ўз дастурий гоя, мақсадларини, сайловлиқ дастурини, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига тавсия қилаётган номзодларини кенг жамоатчиликка тарғиб қилишда, электротатига мурожаат этишда оммавий ахборот воситаларига таянади. Шу сабабдан уларнинг фаолиятини бугунги кун талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб такомиллаштириш, сифат жиҳатдан янгилаш тақозо этилади.

Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг навбатдаги сайловларда ўз олдига қўяётган юксак мақсадлари ҳамда миллий қонунчилигимизда белгиланган талаблардан келиб чиқиб партияимизнинг интернетдаги расмий веб-сайти дизайни ва техник жиҳатдан такомиллаштирилди.

www.adolat.uz веб-сайтини янгилашда, энг аввало, ахборот хавфсизлиги талабларига ва сайтнинг узлуқсиз ишлашини таъминлашга эътибор қаратилган бўлиб, у бир қатор афзалликлар билан бойитилди. Биринчидан, сайтнинг дизайни ва структураси тубдан янгиланди. Фойдаланувчилар учун бир қатор блоглар ва интерактив хизматлар йўлга қўйилди.

Хусусан, сайтнинг "Сайлов — 2014" блоги орқали фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолияти ва сайлов кампаниясига доир энг муҳим янгиликлардан тезкорлик билан хабардор этиб борилади.

"Онлайн депутат", "Ҳуқуқий маслаҳатхона" интерактив хизматлари орқали фойдаланувчилар бевосита онлайн режимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва партия мутахассислари билан мулоқотга киришишлари, ўзларини қизиқтирган саволларга тезкор жавоб олишлари мумкин.

Шу билан бирга, веб-сайтада Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси қонун ижодкорлиги фаолияти, барча даражадаги партия ташкилотлари, тузилмалари фаолиятига доир янгиликлар, мамлакатимизда кечаётган энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеликларга нисбатан депутатлар ва партия фаолларининг ҳолиси ва тезкор муносабатлари, нуктаи назарлари кенг ёритиб борилади. Қолаверса, сайт орқали фойдаланувчилар жаҳон парламентларида рўй бераётган янгиликлардан, ривожланган давлатлар социал-демократик партиялари фаолиятини ҳам воқиф қилиб борилади.

Шунингдек, фойдаланувчиларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида веб-сайтининг мобил қурилмалар, яъни смартфон ва планшетлар учун ҳам мўлжалланган вёрсиии ишлаб чиқилди. Эндиликда қизикувчилар ўз мобил қурилмалари орқали сайтга таширф буюришлари, қолаверса, тезкор янгиликларни нафақат бевосита сайт орқали ўқишлари, балки электрон обуна орқали ҳам сайтдаги янгиликлардан хабардор бўлишлари мумкин.

Айни пайтда партия даврий нашри бўлган "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси ҳамда партия веб-сайти www.adolat.uzга вилот кенгашлари матбуот қотиблари томонидан жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фаолияти юзасидан кундалик хабарлар жўнатиб бориш фаолияти тизимли равишда йўлга қўйилган бўлиб, ушбу жараён партия матбуот хизмати ва "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси билан мустаҳкам ижодий ҳамкорликда олиб борилади.

Муҳтасар айтганда, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янгиланган расмий веб-сайти партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини жамоатчилик, айниқса, электротат орасида кенг тарғиб қилиш, партиянинг имижини шакллантириш, обрў-нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

Беқободлик металлург «адолатчилар»

Давоми. Боши 1-бетда

Бошланғич ташкилотлар жойларда партияимиз гоявий мақсадларини тарғиб қилиш билан биргаликда электротатни ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиши керак. Қаерда иш шундай ташкил этилган бўлса, ўша ерда бошланғич ташкилотнинг нуфузи ошади, партия ташкилотининг фаолияти ҳам самарали бўлади. Шу боис ҳам бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш, улар билан ҳамкорликни мустақамлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Айни кунда Тошкент вилоятида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 10 минг нафардан зиёд аъзоси бор. Улар 338 та бошланғич ташкилотга биришган. Вилот кенгаши уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, жамоатчилик назорати функцияларидан фойдаланиш тажрибасини орттиришга ҳаракат қилади. Партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билиминини мустақамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида ўтказиладиган сиёсий ўқув машғулотлари, семинар-тренинг ва давра сўхбатлари кўпроқ бошланғич ташкилотларда ташкил этиляпти. Натижада куйи бўғинлар фаолияти ошиб бормоқда.

Партиянинг Беқобод тумани бошланғич ташкилотлари фаолияти бунга мисол бўла олади. Улар орасида "Ўзметкомбинат" ОАЖдаги бошланғич ташкилотни намуна қилиб кўрсата арийдим. Бу жамоадаги ишчи-ҳодимларнинг 30 нафари Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзосидир.

— Партияимиз аъзоларида ижтимоий-сиёсий ислохотларга қизиқишни ошириш мақсадида аввало сиёсий ўқувлар сифатини ошириш, уларда долзарб партиявий мавзулар муҳокама қилинишига эътибор қаратаёلمиз, — дейди "Ўзметкомбинат" ОАЖ раҳбарининг тижорат ва молия масалалари



бўйича ўринбосари, БПТ раиси Баҳодир Юсупов. — Масалан, йилнинг ўтган даври мобайнида «Қонун устувор юрда адолат қарор топади», «Инсон манфаатлари — олий қадрият», «Мақсадиимиз — ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш», «Истиқлол — бахт-саодатимиз», «Тинчлик — фаровон ҳаёт гарови», «Ёт гояларга муросасизимиз», «Огоҳлик — давр талаби», «Сайловчи ҳуқуқи», «Муҳим паллага тайёргарлик», «Демократик ўзгаришлар жараёнида фуқаролар сиёсий маданиятини шакллантириш масалалари», «Конституция — мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори» каби мавзуларда 20 дан ортиқ семинарлар ташкил этдик. Тадбирларга партия вакиллари ва халқ депутатлари вилот, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзоларини тақлиф этаётганимиз уларнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилаёпти.

Бизнингча, партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар маъсулиятини ошириш бўйича мунтазам иш олиб борса, уларнинг фаолияти янада куч-

чаяди. Бунинг учун туман ёки шаҳар кенгашларининг долзарб масаладаги тадбирларини кўпроқ бошланғич ташкилотларда уюштириш, БПТ режалари ижросига бағишланган йиғилишларни доимий равишда ташкил этиб бориш яхши самара беради, деб ўйлайман.

Ўз ишига масъулият ва талабчанлик асосида ёндашиш "Ўзметкомбинат" ОАЖ қошида тузилган "Адолат" СДП бошланғич партия ташкилотининг шиири.

Корхона ишлаб чиқариш қувватини оширишга, айни пайтда ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазасини яхшилашга, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш масаладорларнинг асосий мақсадларидан биридир. Хусусан, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан режа ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Унга асосан, турли тадбирларни амалга ошириш учун 2904,9 миллион сўм ажратилди. Жумладан, режа асосида комбинат бўйича 101 та янги иш ўринларини яратиш вази-

фаси белгиланган. 2014 йилнинг олти ойи мобайнида амалда 60 та иш ўринлари яратилган бўлиб, иш билан касб-хунар коллежлари битирувчилари қамраб олинди. Режада шунингдек, истиқболли вазифалар белгиланган бўлиб, металлургия ва уларнинг оила аъзолари соғлигини яхшилашга йўналтирилган профилактика ишлари олиб бориш, санатория-профилакторияда, "Ёшлик" БСО ва "Металлург" шифохоналарида болаларни соғломлаштириш, комбинат ҳодимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш, ёш оилаларга фарзанди туғилганлиги муносабати билан ёки уй-жой маиший шароитларни яхшилаш учун манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда.

Комбинат ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сертификатланган ва мувофиқлик сертификатига эга. Муҳими, истеъмол товарлари ва хизматлари соҳасида миллий брендларни юзага келгани, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига чи-

ҳар жабҳада ўрнат

қариш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бераётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз, — дейди биз билан сўхбатда Баҳодир Юсупов. — Жумладан, хусусий мулкка кенг йўл очилган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, енгил ва оғир саноатни ривожлантиришга қулай шароитлар, имтиёзлар яратиб берилмоқда. Банклар томонидан имтиёз кредитлар ажратилаётганлиги иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодий ислохотларимизни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу эса, Ўзбекистон шароитида амалда синалган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг "ўзбек модели" республикамизни барқарор, изчил ва жадал ривожлантиришни таъминлаётганининг яққол далилидир. Мамлакатни босқичма-босқич ислохот этиш ва модернизация қилишнинг ушбу модели, унинг машхур асосий беш тамойили ўзининг муҳимлиги ва истиқболли эканини амалда исботлади.

Ҳақиқат одамлар орасида бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари, кундалик муаммоларини чуқур ўрганиб, бартараф этишга кўмаклашилса, партияимизнинг эл орасидаги мавқеи ошиб боришини БПТ етакчиси яхши англайди. Унинг изланувчанлиги боис куйи бўғин фаолияти кун сайин ошмоқда. Адолат" СДП фаоллари аҳолини қийнаб келаётган кундалик муаммоларни амалий ишлари билан бартараф этиб, одамларнинг ишончини қозонишда муваффақият қозонди. Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, халқ фаровон-

лигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб улуш қўшиш учун бор имкониятларини ишга солишмоқда.

— Менинг мақсадим обод ва озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қурилишида жамиятнинг бир бўлаги сифатида иштирок этиш, — дейди комбинат чирлангари, партия фаоли А.Ҳақиқатов. — Бунда "Адолат" СДПнинг дастурий гоя ва мақсадлари менинг қарашларим билан ҳамроҳ эканлиги боис, ушбу партияга аъзо бўлдим. Албатта, Ватан тараққиёти, ривож учун жон қуйдирадиган, унинг тақдир ҳақида қайғурдиган фарзанд борки, ҳеч қачон юртида кечаётган муҳим жараёнларга бефарқ қарамайди. Айниқса, партия фаоллари томонидан корхонамизда учрашувлар ташкил этилиши, тадбирлар ўтказилиши ишчиларнинг юртимизда кечаётган туб ўзгариш ва янгилашлар шукҳидан доимо хабардор бўлишида катта ёрдам бермоқда.

— Партияимиз мамлакатда амалга оширилаётган "Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон манфаатлари учун" тамойилига риоя қилган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсатини қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб олган, — дейди БПТ раиси Баҳодир Юсупов. — Шу нуктаи назардан фаолиятимизнинг асосини ижтимоий ҳимояга қаратмоқдамиз. Бунинг ижобий натижалари партияимиз аъзолари сони ўсаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу вазифаларни, албатта, бошланғич ташкилотларимиз орқали самарали амалга оширмоқдамиз.

Бу йил сиёсий партиялар учун муҳим синов даври бўлганлиги боис ҳозирда БПТ аъзоларининг сиёсий билим ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳар ҳафтада бир марта мутахассисларни

жалб этган ҳолда махсус ўқувлар ташкил этиляпти. Кучли эксперт ва мутахассислар иштирокида ўтказиладиган семинар-тренинглар ҳам фаолларимизни кенг жалб этган ҳолда, улар орасидан жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга партиянинг қулатувчиси ва ваколатли вакиллари таллашга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Зеро, бошланғич ташкилотимиз фаоллари доимо халқ орасида юради, уларни кўпчилик танийди. Ҳозирданок уларни шу каби сиёсий ўқувлар ва семинар-тренинглар орқали тайёрлаб борсак, сайлов кампанияси даврида номзодларимизни тарғиб-ташвиқ қилишга ва пиروвардида сайловда уларнинг муваффақиятини таъминлашга эришамиз.

Дарҳақиқат, сайловлар жараёнида бу каби кучли куйи бўғинлар партияимизнинг асосий таянчига айланиши тайин. Келгусидаги муваффақиятлар учун бугундан замин тайёрлаётган ушбу БПТ фаолларининг саяё-ҳаракатлари эътиборга молик, албатта. Тобора яқинлашиб келаётган муҳим палла — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар жараёнида партиянинг барча даражадаги ташкилотлари билан бир қаторда куйи бўғинлардан ҳам фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади. Зеро, бошланғич партия ташкилоти аҳолининг сиёсий фаолиги, ҳуқуқий маданияти, ислохотларга дахлдорлик туйғуси юксалишида сайловчиларга энг яқин бўғин ҳисобланади.

Феруз ЖҲҲАЕВ, «Адолат» муҳбири



Янги усул ва услуб

дарсларга қизиқишни оширади

Эътироф

Устоз отангай улуг, дейишди. Бу каби юксак эътиром ва эътироф эгаларининг қадрлини, эъзозлини бежиз эмас, албатта. Зеро, инсон борки, унинг шахс сифатида шаклланишида, ҳаётни англашида, дунёқароши кенгайишида устози, муаллимнинг хизматини ўзгача қадрлайди.



Куни кеча ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатиш кўрсатилган. Бундан ташқари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Юртбошимизнинг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган таърифида ҳам соҳа ходимлари меҳнатига алоҳида эътибор берилган, тизимда олиб борилаётган ишхотлар кенг таҳлил этилган. Жумладан, "Дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширилгани янги ҳаёт, янги жамият қуришида энг кучли, айтиш мумкин, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарошини, бутун ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча гуруҳлар, фахрлилар гапирса, арзийди, албатта", дейилади таърифта.

Бугунги сўхбатдошимиз ҳам ўқувчиларнинг севимли ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатиш кўрсатилган. Бундан ташқари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Юртбошимизнинг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган таърифида ҳам соҳа ходимлари меҳнатига алоҳида эътибор берилган, тизимда олиб борилаётган ишхотлар кенг таҳлил этилган. Жумладан, "Дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширилгани янги ҳаёт, янги жамият қуришида энг кучли, айтиш мумкин, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарошини, бутун ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча гуруҳлар, фахрлилар гапирса, арзийди, албатта", дейилади таърифта.

Уқувчиларнинг фикрлаш дунёсини кенгайтириш, уларнинг ҳаётини яхшилаш учун

дарсларимиз баҳс-мунозара-ларга бой, интерактив тарзда ўтказилади, — дейди қахрамонимиз. — Утиллаётган ҳар қандай дарсда мустақил дунёқарашга эга, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳияти юксак бугунги ёшларимизнинг эътиборини инновацион услубларга жалб қилиш мушкул. Ёшларимизга мусиқа санъатининг сир-синоатларини ўргатар эканман, дарсини асосан ноанъанавий усулда ташкил этишга ҳаракат қиламан. Бундай усул ўқувчиларда ўқиш мазмунини яхши ўзлаштириш, мулоқотга киришиш, ўз-ўзини баҳолаш, танқидий ва мантаний фикрлашни ривожлантиришга ёрдам беради. Самарали усулда таълимни ташкил этиш ҳар бир педагог кадрлардан қайсида маънода ижодкорликни талаб этади. Шу ўринда ёшлар онгига Ватанга муҳаббат, садоқат ҳис-туйғуларини синдиришда санъат соҳасидаги таърифи ҳам кўп кўлаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Айтгандай, Сайёра Назирова нафақат маҳоратли ўқитувчи, балки санъатга болалигиданоқ меҳр қўйган истеъдодли санъаткор ҳамдир. У 1962 йилда Марғилонда зиёлилар оиласида туғилган бўлиб, 7 ёшлигидаёқ турли мусиқий танловларда муваффақиятли иштирок этган. Аввалига мактабда ўтказилаётган маърифий-бадий тадбирларда, бориб-бориб вилоят ҳамда республика миқёсидаги танловларда қатнашиб келган.

— Оилада 6 нафар фарзанд бўлганми, — дейди у болалигини ёдга олар экан. — Отам вилоятда Ички ишлар бошқармаси масъул ходими, онам мактабда тарих фани ўқитувчиси бўлишган. Оиламизда санъаткорлар бўлмаганлигига қарамай, болалигимда санъатсевар ота-онамнинг ташаббуслари ва қўллаб-қувватлашлари ёрдамида "Санъат гунчалари", "Юлдузча", "Бойчечак" сингари телекурсларда кўшма хиргойин қилганман. Кейинчалик устозим Холмат Курбонов кўмаги билан яратилган "Санъат сари етаклайди", "Шафтолигул чечаклари" сингари кўшиқларим кўпчилик тенгдошларимнинг севимли кўшиғига айланганини айтишарди. Вақтлар ўтиб, отамга бағишлаб кўшиқ кўйладим ва бир гуруҳ ижодкорлар ёрдамида ушбу кўшиққа видеоклип тайёрладим. Хуллас, ҳозирги кунларда ҳам кўшиқчилик, ҳам ўқитувчилик касбини биргаликда юритишга ҳаракат қилаяпман. Бинобарин, Ватан, маҳалла, оилага муҳаббатни миллий кўшиқчилик санъатимиз ёрдамида ҳам синдиришга интилаяпман.

Сўхбатдошимиз айтишича, ёшларимиз Президентимизнинг шу йил Самарқандда бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" маъ-

зузидаги халқаро илмий конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқларини алоҳида қизиқиш билан ўрганиб, таҳлил қилишмоқда.

— Айниқса, уларнинг Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккир боболаримизнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш, тўғри таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришга одатлиниганини кузатар эканман, уларга чин дилдан ҳавасим келади. Авваллари, биз ўқиган пайтларда бобокалонларимизнинг яратган илмий кашфиётлари, дунё тамаддунига қўшган ҳиссалари ҳақида мағрурлиниш уёқда турсин, ҳаттоки яқиндан ўрганиш имкониятига ҳам эга эмас эдик. Бугун ёшларимиз тарихимиз, буюк шахсларимиз, уларнинг илмий-амалий ютуқлари ҳақида бор ҳақиқатни ўрганишлари, улардан ўрнак олиб, муносиб авлод бўлишлари учун барча шароит яратилган. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган ёшларимизнинг фикрлаши, бир неча тилларда бурро-бурро сўзлашларига қараб, эртанги кун мамлакат, миллат тақдири худди ота-боболаримиздек ақли, зукко ва юксак тафаккур эгаларининг қўлида эканлигига амин бўлади, киши, — дейди қахрамонимиз қатъий ишонч билан.

Фикримиз сўнггида ўз билим ва тажрибаси билан бамисли қўёш сингари ёшларга маънавий-маърифат нурларини сочгувчи, маёқ каби шогирдларига ҳаёт йўлини кўрсатувчи қахрамонимизнинг сермашаққат, аммо шарафли ишларига омад тилаймиз ва улар тимсолида юртимиздаги барча устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан чин қалбдан табриклаб қоламиз.

Саодат СОДИҚОВА, «Adolat» мухбири

Ишга пиёда қатнанг

Британия социологларининг аниқлашларига қараганда, ишга пиёда борадиганлар машинада қатнайди-ганларга нисбатан ўзларини бахтлироқ, ҳаётдан мамнуроқ ҳис қилар эканлар.



Тадқиқотларда кейинги 18 йил ичида 18-65 ёш орасидаги 18000 киши қатнашган.

Маълум бўлишича, ҳаракатли воситаси сифатида машина ёки велосипеддан фойдаланмайдиган ходимларда хотиржамлик даражаси балан бўлган, камроқ ташвишлинишган, уларнинг кундалик юмушларга киришиб кетишлари ҳам осон кечган.


Айни пайтда мутахассислар ҳаттоки ишга жамоат транспортда қатнаш ҳам шахсий автомобилдан фойдаланишга нисбатан афзалроқ, деган хулосага келишган. Яъни, бу ҳолда ходим транспортда газета-журнал ўқийди, ёнидаги йўловчилар билан гаплашади, энг муҳими эса — ҳеч бўлмаса бекатгача пиёда боради. Бу эса фойдали эканидан ташқари кайфиятни ҳам кўтарди.

Умуман олганда, ишга бориш ва қайтиш йўли — инсон ҳаётидаги муҳим омиллардан бири. Яъни, пиёда юрилганда ортиқча вазндан ва стрессдан халос бўлиш осон кечади.

Тадқиқотчилар яна бир ҳолатга эътибор қаратишмоқда: автомобилларнинг камайиши экологик вазиятга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Сув остида товуш тезлигида

Хитой олимлари Сан-Францискога 100 дақиқа ичида етиб боришга қодир сув ости кемасини (субмарин) ясай бошладилар.



Мутахассислар мазкур кема Шанхай билан Сан-Франциско орасидаги 10 миң километрик масофани босиб ўтишда соатига 5,8 миң километр тезликка эриша олишини башорат қилишмоқда! Бу эса сув остидаги товуш тезлигига баробар.

Тадқиқотчилар кемани ясада суперкавитация технологиясидан самарали фойдаланишмоқда. Яъни, кеманинг бурун қисмидаги махсус қурилма субмарин атрофида ҳаво пуфакчаларининг шиддатли ҳаракатини пайдо қилади. Натижада сувнинг қаршилиги сезиларли даражада камаяди ва кема фантастик даражадаги катта тезликка эришади.

Интернет хабарлари асосида Зилола ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Қорақалпоғистон Республикаси "Тўрткўл савдо комплекси" МЧЖ жамоаси

Озод ва ҳур, келажаги буюк, истиқболи порлоқ юртимизнинг барча фидойи устоз-мураббийларини ўқитувчи ва мураббийлар кунини билан қизғин қутлайди.

Сиз азиз устозларга келажагимиз эгалари — ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли ишларингизда улкан ютуқлар тилайди.

Хонадонларингиз тинч, ҳаётингиз ҳамisha фаровон бўлсин!



Спортчиларимизнинг медаллари кўпаймоқда

ИНЧЕОН. ЎзА махсус мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА хабар қилади.

Жанубий Кореяда давом этаядиган XVII ёзи Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари яна 7 медални қўлга киритди.

Енгил атлетикачиларимиз ўз маҳоратларини ёрқин намойиш этди. Лондон Олимпиадаси финалчи Светлана Радзивил баландликка сакраш беллашувларида 1 метр 94 сантиметрга сакраб, хитойлик рақибини ортада қолдирди ва Осиё ўйинларининг олтин медалини қўлга киритди.

Надежда Дусанова баландликка сакраш ва Иван Зайцев найза улоқтириш баҳсларида терма жа-

моамиз ҳисобига бронза медалларни келтирди.

Бадий гимнастикачимиз Анастасия Сердюкова Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этди. У жами 68,349 балл тўлаб, бронза медалига сазовор бўлди.

Карате усталаримиз ҳам яхши натижаларни қайд этди. 75 килограммгача бўлган вазн тоифасида иштирок этган Фозуржон Зоҳидов бронза медал учин кечган баҳсда Саудия Арабистони вакилини мағлубиятга учратди.

Боксчиларимиз Ўзбекистон терма жамоасининг медаллар шодаси кўпайишига ҳисса қўшди. 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида Ўзбек Мамазулов ва вазни 91 ки-

лограммдан ортиқ чарм қўлқоп усталари беллашувида Мирзохиджон Абдуллаев шохсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Осиё ўйинларида спортчиларимизнинг фаол иштирок этиб, голий ва совриндор бўлаётгани мамлакатимизда спортнинг жадал ривожлантирилаётгани ҳамда иқтидорли ёш спортчиларни тайёрлашга қаратилган эътиборнинг ёрқин тасдиғидир.

Айни пайтгача терма жамоамиз ҳисобида 9 олтин, 11 кумуш ва 20 бронза медал бор. Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб турибди.

"Гумроҳлар"

Тақдимот

Кучли ирода, мустаҳкам матонат ҳамда мустақил фикрга эга инсон ташқаридан келган ҳар қандай кимсаларга эргашиб кетавермоқди, ўз нуктаи назарини, оиласи, Ватанининг шаънини сўнгги дақиқাগача ҳимоя қила олади. Лекин бундай фазилатларнинг оқсига эга инсонларнинг тақдири қандай яқун топади, деган савол кўпчиликни ўйлантириши табиий.

Кеча пойтахтимиздаги Киночи-лар уйи ва Алишер Навоий номи-даги кино саройида премьераси бўлиб ўтган, "Ўзбекино" миллий агентлиги буюртмасига асосан "Ватан" киностудиясида суратга олинган "Гумроҳлар" бадий фильмида ирода ва иродасизлик, қаноат ва нафс, садоқат ва хиёнат каби яхши ва ёмон хусусиятларга эга инсонларнинг мафкуравий кураши, тақдири томошабинларнинг эътиборини четда қолдирмади.

Фильм сценарий муаллифи ва бош режиссёри Хилол Насимовнинг фикрича, Ўзбекистон, Туркия ва АҚШда тасвирга молинган ушбу фильм бугун ўсиб келаётган мамлакатимизни, хали мафкуравий иммунитетини у қадар шаклланмаган инсонларни ўзбек халқининг осуда ҳаёти ва раванқига путур этказмоқчи бўлган кимсаларнинг найрангига уммасликка, алданиб қолмасликка ундайди.

Фильмни томоша қилганлар унда бош қахрамонлардан бири Оллобегнинг аниқли тақдирига ачина-ишади. Айни пайтда унинг ҳаёти осуда ҳаёти ва раванқига путур этказмоқчи бўлган кимсаларнинг найрангига уммасликка, алданиб қолмасликка ундайди.

Ҳар қандай вазиятда ҳам она

Ватани қадрлаш, ютуқларига қувониб, камчиликларини биргаликда бартараф қилиш, унинг шаънига доғ туширмастик юртпарвар инсонга хос жиҳатлар ҳисобланади. Фильмда гавдалантирилган яна бир қахрамон — Мирза Махмудовга ўхшаш мард ўғлонларнинг ана шундай хатти-ҳаракатлари эса ёшларимизга ўрнак вазифасини ўташи табиий. У ҳужжатли фильм режиссёри сифатида тақдир тақозоси билан хорижий давлатларда яшаётган ўзбекистонликларнинг ҳаёти ҳақида фильмни суратга олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Тасвирга тушириш жараёнида бир қанча юртдошларимиз билан суҳбатлашди. Томошабин юрт соғинчи билан ўртанаётганларнинг самимий гап-сўзларидан ташқирланса, Ватанга хоинлик қилиб, унга ҳасад қилганларга эргашиб кетган сойиб ватандошларимизнинг, яъни фильм номидагидек "Гумроҳ"ларнинг хатти-ҳаракатлари, сўзлари эса уларга нисбатан нафрат туйғусини уйғотади.

Бу каби фильмлар ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтишига, ватанпарварлик туйғуси шаклланишига ёрдам бериши мукаррар.

Зафар ТАҒИРОВ, 2-Тошкент Юридик коллежи ўқитувчиси

«TURKISTON INTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «INTERSERVIS» Республика хўжалик ҳисобиди ташқи иқтисодий бирлашмаси давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 75-уй манзилида сақланаётган 2000 йилда и.ч. д/р 01 473 JBA, бошланғич нархи 7 600 000 сўм бўлган, ГАЗ-3102 русумли, «QIMMATLI QOG' OZLARNING MARKAZIY DEPOZITARIYSI» давлат корхонасига тегишли 2004 йилда и.ч. д/р 01 711 ECA, бошланғич нархи 16 451 604 сўм бўлган Нексия русумли, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармаси 2-чи ҳарбий савдо ташкилотининг 1991 йилда и.ч. д/р 11 TP 668, бошланғич нархи 3 198 000 сўм бўлган, УАЗ 3151 русумли ҳамда «VIP SERVICE NBU» маркази унитар корхонаси томонидан Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, Янги шаҳар кўчаси, 11-уй (олдинги Муродов кўчаси, 1а-уй) манзилида сақланаётган 1997 йилда и.ч. д/р 01 223 VBA, бошланғич нархи 13 200 667 сўм бўлган, 1997 йилда и.ч. д/р 01 224 VBA, бошланғич нархи 13 200 667 сўм бўлган, 1997 йилда и.ч. д/р 01 225 VBA, бошланғич нархи 13 200 667 сўм бўлган, 1997 йилда и.ч. д/р 01 230 VBA, бошланғич нархи 13 200 667 сўм бўлган, 1997 йилда и.ч. д/р 01 242 SBA, бошланғич нархи 13 200 667 сўм бўлган, 1997 йилда и.ч. д/р 01 271 VBA, бошланғич нархи 13 200 667 сўм бўлган, 1997 йилда и.ч. д/р 01 275 VBA, бошланғич нархи 13 200 667 сўм бўлган, 1997 йилда и.ч. д/р 01 288 VBA, бошланғич нархи 13 200 667 сўм бўлган, 1997 йилда и.ч. д/р 01 229 VBA, бошланғич нархи 13 200 667 сўм бўлган, 1998 йилда и.ч. д/р 01 217 VBA, бошланғич нархи 14 588 667 сўм бўлган, 1998 йилда и.ч. д/р 01 226 VBA, бошланғич нархи 14 588 667 сўм бўлган, 1998 йилда и.ч. д/р 01 274 VBA, бошланғич нархи 14 588 667 сўм бўлган, 1998 йилда и.ч. д/р 01 276 VBA, бошланғич нархи 14 588 667 сўм бўлган, 13 донна Нексия русумли, 2000 йилда и.ч. д/р 01 561 ABA, бошланғич нархи 1 624 667 сўм бўлган, Дамас русумли, 2000 йилда и.ч. д/р 01 642 ABA, бошланғич нархи 6 241 667 сўм бўлган, Тико русумли, 2002 йилда и.ч. д/р 01 260 VBA, бошланғич нархи 7 232 484 сўм бўлган, 2002 йилда и.ч. д/р 01 263 VBA, бошланғич нархи 3 690 485 сўм бўлган, 2 донна ГАЗ-22171-5304 русумли, 2002 йилда и.ч. д/р 01 265 VBA, бошланғич нархи 8 424 485 сўм бўлган, ГАЗ 2752-414 русумли автотransпорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдосига 2014 йил 10 ноябрь кунини Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, соат 11:00 да бўлиб ўтади. Автотransпорт ушбу савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг душанба кунлари соат 11:00 да 2014 йилнинг охиригача бўлади. Аукцион якунлари савдо тутаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотransпорт билан сотувчи вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюрт-манома (аризаларни) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир банк иш кунини олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилот-чиси билан тузилганда зақалат келишувига асосан объект бошлан-ғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пули-ни ТИАСнинг «Ипотечка банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55.

Гувоҳнома 2011 йил 1 ноябрда берилган №005424.

Хизматлар лицензияланган



Xalq farovonligi faoliyatimiz mezonlari

Aziz ustozlarimizni 1-oktabr "O'qituvchi va murabbiylar kuni" bilan samimiy muborakbod etamiz. Barchangizga tinchlik-totuvlik, oilaviy baxt va xotirjamlik tilagan holda quyidagi bank xizmatlarini taklif etamiz:

"INTERNET-BANKING"-to'lovlaringizni masofadan turib amalga oshiring

"SMS-BANKING"-hisob raqamingizdagi mablag'lar harakati to'g'risida doim xabardor bo'ling

Agrobankda "CLICK" hisob raqamini oching va barcha to'lovlarni mobil aloqa yordamida amalga oshiring

Yuridik shaxslar uchun mo'ljallangan depozit sertifikatlari orqali pul mablag'laringizni ko'paytirib

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki 100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi, 43. Tel.: (8-371) 150-53-72; Faks: 150-53-95

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan



Сўранг, жавоб берамиз!

Касб-хунар коллежи битирувчисиман. Келгусида фермерлик билан шуғулланиш учун банкдан кредит олмакчиман. Илтимос, кредит шартномаси ҳақида тушунча берсангиз.

Ш.Хуғойберганов, Тошкент вилояти.

— Фуқаролик кодексининг 744-моддасига мувофиқ, «Кредит шартномаси буйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тараф — қарз олувчига шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фойзалар тўлаш мажбуриятини олади. Кредит шартномаси банк амалиётида банк ссудаси (қарзи) шартномаси деб ҳам юрилади. Кредит шартномаси ҳақ баробарига, қайтарилиши шартли билан, олдиндан кафолат-

ланиш йўли билан, мақсадли шаклда тузилади. Томонлар келишувига қўра ёки қонунда бевосита кўрсатилган ҳолларда бу шартнома текин (фойз олинмасдан) тузилиши ҳам мумкинлиги кўзда тутилган. Шунингдек, кредит шартномаси ёзма тузилиши шарт. Ёзма шартномага риоя қилмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Кўпчилик ҳолларда ҳар иккала томон имзоладиган ягона ҳужжат шаклидаги шартнома тузилади. Банк ариза ва тақдим эт-

ган ҳужжатларни, кредит олиш шартларини, қарз олувчининг тўлов қобилияти, кредит олинаётган лойиҳа таваккалчилиги, олинмаган фойда ҳажми, кредит кафолатлари ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда кредит бериш ёки илтимосни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Банк кредити берилиши пайтида унинг қайтарилишини таъминлаш чоралари (гаров, ипотека), уни қўллаш тартиби ва шакллари ҳамда оқибатлари ҳам амалдаги қонунчиликда назарда тутилган.

Кредит шартномасининг қонун ҳужжатларига тўла мос тарзда тўғри расмийлаштирилиши унинг қайтарилишини, банк манфаатлари бузилмаслиги учун зарур ҳуқуқий база яратилишига, банк миқозлари ҳуқуқлари ишончли муҳофиза этилишига сабаб бўлади.

Саволга Оққўрган тумани ДНИ нотариуси **Шоҳида МУҲАММЕДЖОНОВА** жавоб берди.

Айрим сабабларга қўра турмуш ўртоғим билан умумий мол-мулкимизни бўлиб олишга қарор қилдик. Илтимос, никоҳни бузмасдан умумий мол-мулкни бўлиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Ғанибек Мавлонов, Тошкент вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 27-моддасига қўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига қўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига илтифат қилиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арыз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишув нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Низо тутилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-

мулкни бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибиде амалга оширилади. Умумий мол-мулкни бўлиш суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қарашли улушдан ошқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзага компенсация белгиланиши мумкин.

Оилавий муносабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда олтириган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулк деб топиши мумкин.

Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош,

поябзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз берилади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланади, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни улар никоҳда турган даврда бўлинган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкнинг бўлинмай қолган қисми, шунингдек, эр ва хотин томонидан улар никоҳда турган даврда олтирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкни ташкил қилади.

Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик давро мuddати қўлланилади.

Саволга Янгийўл тумани ФХДБ бўлими мудир **Юлдуз РАҲАТОВА** жавоб берди.

ЖАНГАРИ ФИЛЬМЛАР ЗАРАРИ
АҚШ тиббиётчилари одамлардаги ортиқча вазн билан уларнинг қандай фильмлар кўриши ўртақсизлиги боғлиқлигини ўрганиб чиқдилар. Таъдиротларда аниқлаштириш, айнан жангари фильмларни томоша қилиб ўтириш томошабинларни семиртишга мазкур агар экан. Олимларнинг фикрига қўра, ўтириб оқибатда фильмларда томошабинларнинг иштироси оқибатда ортиқча вазн билан уларнинг қандай фильмлар кўриши ўртақсизлиги боғлиқлигини ўрганиб чиқдилар. Таъдиротларда аниқлаштириш, айнан жангари фильмларни томоша қилиб ўтириш томошабинларни семиртишга мазкур агар экан.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Мамазоир ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир вазиқасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-46-64 (146); Кабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибхона — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қадриямон Қўлоқов. Навбатчи — Фуломжон Хидиров.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рўхсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

ISSN 2093-5237

info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАҚ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Оффсет усулида босилган. Буюртма Ғ — 1000. Адади — 5750. Босишга топириш вақти — 1.50. Босишга топирида — 2.40.

1 2 3 4 5 6 Баҳси келтирилган нархда

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик тижорат банки



«Микрокредитбанк» АТБ барча устозларни, таълим соҳаси фидойиларини 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кўни билан муборакбот этади ва жисмоний шахслар учун юқори фойзли

«ҚУЛАЙ» «КАФОЛАТ» «ХАРИДОР»

номли янги омонат турларини таклиф этади.

Омонатга маблағлар

3 ойдан 3 йилгача муддатга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фойзалар белгиланган тартибда миқдор хоҳишига

қўра коммунал тўловлар ёки бошқа мақсадлар учун йўналтирилади.



Мурожаат учун тел:
273-05-70,
273-05-80

Хизматлар лицензияланган

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

www.mikrokreditbank.uz

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк

қуйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади

«ТЕЖАМКОР»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга йўналтирилади

«СОҒЛОМ АВЛОД»

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

«МУСТАҲКАМ ОИЛА»

Омонатнинг сақланиш муддати 18 ой. Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Хорижий валютада:

«ШОДИЁНА» (АҚШ доллариде)

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фойзалар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Шу билан биргаликда, «Асака» банк 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда қўлай шартларда омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навой вилоят филиали	436	770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	573-18-75
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10
Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	223-15-68
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўҳон филиали	373	552-61-06
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз: солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!

маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгиз сақланиши ва қўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган